



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz


2009 йил 12 май, № 95 (4758)

Сешанба

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 10 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги масофа анча узок. Лекин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат мавжуд бўлса, масофа ўз аҳамиятини йўқотади. Ўзбекистон — Корея муносабатларининг бугунги ҳолати бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир. Ли Мён Бакнинг ушбу ташрифини олий даражадаги мулоқотларнинг мантиқий давоми, де-

йиш мумкин. Чунки 2008 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари икки марта учрашган.

Давлатлараро муносабатлар ривожланиш йўлидан борар экан, турли мақомдаги мулоқотлар изчил давом этаверади. Зеро, тараққиётга интилган ҳар бир мамлакат ишончли шериклар билан ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва

Жанубий Корея раҳбарияти ҳамфикр эканлиги, муносабатлар негизида ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат муҳим асосларга эга эканлиги ҳақидаги фикрлар Ли Мён Бакнинг мазкур ташрифи ёрқин далилдир.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сийosat майдоида бир-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади.

Ўзбекистон БМТ органларига, жумладан, Бош котиб лавозимида Корея Республикасининг номзодларини ёқлаган. Жанубий Корея Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда Ўзбекистон, «Sky Team» савдо-транспорт ширкати билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида тўхталди. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далилати эканлиги, айти пайтда Тошкент ҳам Сеул билан ҳамкорлик алоқаларини юксак кадрлашни таъкидлади.

Ли Мён Бак Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислон Каримовга миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига юзасидан алоҳида фикр алмашиш учун қўлай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сийosat майдоида бир-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон БМТ органларига, жумладан, Бош котиб лавозимида Корея Республикасининг номзодларини ёқлаган. Жанубий Корея Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда Ўзбекистон, «Sky Team» савдо-транспорт ширкати билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида тўхталди. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 11 май куни пойтахтимизда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, мебелсозлик, соғлиқни сақлаш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, сугурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сайёҳлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, банк-молия, нефть-газ, авиасозлик, қурилиш, машинасозлик, авиаташув, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология ва минерал ресурслар, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, мебелсозлик, соғлиқни сақлаш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, сугурта, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, сайёҳлик ҳамда фан-таълим соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Корея Республикаси савдо-саноат палатаси раиси Сон Кён Шик мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар қаторида иқтисодий соҳада ҳам изчил тараққий этаётганини, мазкур форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очишга хизмат қилишини таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг қўлай шартлар яратиш тартиби жорий қилинган. Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан бири. Мазкур мамлакатнинг Ўзбекистонга шу вақтгача киритган жами сармояси икки миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея иқтисодий соҳада улкан салоҳиятга эга давлатлардир. Хусусан, Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, жугрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, юксак интеллектуал салоҳияти, қўлай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳамда юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик қўллаб-қувватлашнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон ва Кореянинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи 2008 йили бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу эса Ўзбекистон — Корея иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганининг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 351 та қўшма корхона фаолият қўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 91 та компанияси ўз ваколат-хонасини очган.

Бизнес-форумда Жанубий Корея фирми ва компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Корея ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш ва мустақамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Хусусан, «Кейби», «Сеун Сталь», «Хондай Мотор», «Корейн Эйр», «Хаинтекс», «Род Интернэйшнл», «Дэу Интернэйшнл», «Донгиль Констракшн» каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридидаги ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш ниятида эканлигини қайд этди.

Бизнес-форум якунида нефть-газ, мебелсозлик, электрон маҳсулотлар, қурилиш, тўқимачилик, минерал ресурслар, фан-таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари каби соҳаларда ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Кеча парламент куйи палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИХАЛАР — АМАЛИЁТГА

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда жамоат фондининг 2008 йилдаги фаолияти ақунлари ҳамда 2009 йилги истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, 2009 йилда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобидан 4 миллиард сўм ажратилган. Ингиллишда ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича лойиҳа ва дастурлар Парламент комиссияси эътиборига ҳавола этилди.

Парламент комиссияси ушбу лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш бўйича қарор қабул қилди. Улар асосан, қишлоқларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда мустақил оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустақамлашга йўналтирилган.

Шунингдек, Парламент комиссиясининг қарорига кўра, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида грант танловларини ўтказиш режалаштирилди. Ушбу танловлар қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда аёллар ва ёшларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш каби устувор йўналишларга бағишланган лойиҳа ҳамда дастурларни ўз ичига олади.

Зиёда АШУРОВА.

ИТАЛИЯДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ НАШР ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби Италия жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Президенти асарининг «Атес Графика» нашриёт уйи томонидан италян тилида чоп этилиши бунинг далили бўла олади. Китобга, шунингдек, италиялик таниқли экспертлар, ҳуқумат ва ишбилармон доиралар вакиллари асар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам киритилган.

Салерно шаҳрида Ўзбекистон Президенти китобининг тақдими бўлиб ўтди. Унда Кампания худуди раҳбарияти, худуддаги шахарлар ҳокимлари, экспертлар, иқтисодий ва иқтисодий доиралар, шунингдек, Европанин «SKY» телевидениеси Италия бўлинимаси, «News» радиоканали ва бошқа оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиб, асар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Салерно провинцияси вице-президенти А. Палладино раҳбарининг оқиллиги нафақат ҳар қандай қўламадаги қийинчиликларни бартараф этиш билан, балки унинг

олдини олувчи чоралар қабул қилишда ҳам кўринишини таъкидлади. А. Палладионинг сўзларига кўра, «Президент Ислон Каримов ўзида ушбу сифатларни тўлиқ намоиш этди. Хали дунёда содир бўлиши мумкин бўлган инқироз ҳақида гап бошланган 2008 йилдаёқ Ўзбекистонда мамлакатни инқироз бўронидан олиб чиқишга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинган эди».

«ВСС» банки бош директори М. Албанезе Ўзбекистон раҳбариятининг узоқни кўра олган сийosати эвазига мамлакатда банк институтларининг фаол ва муваффақиятли фаолият юритиши учун мустақам асос яратилганини қайд этди. Унинг фикрига кўра, «Ўзбекистоннинг глобал инқироз шароитида кичик бизнесга микрокредитлар ажратиш тажрибаси эътибор билан ўрганилишига муно-

сиб. Бу мамлакатда нафақат банклар фаолиятини қўллаб-қувватлашга, балки банк тизимини фаоллаштиришга хизмат қилаётган қўлай асос яратилганлигини кўрсатади».

«Артур ЛТД» энергетик компанияси президенти Л. Маджи хоним ўзининг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича иқтисодий тажрибаси билан ўртоқлашар экан, дунёдаги бой энергетика ресурслари, қиммат баҳо металллар, уран захиралари, пахта толаси экспорти бўйича етакчи мамлакатлардан бири саналган Ўзбекистон «осон йўлни» танламади, ўз иқтисодиёти ривожини фақат стратегик хом ашёлар экспортига йўналтирмади, дея таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов мустақиллигини эълон қилган пайтдан бошлаб иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга қаратилган мақсадли сийosat олиб борди. Натияжада эса мамлакатда нафақат инқироз оқибатида юзага келадиган зарарлардан ҳимояланишга, балки иқти-

содий тараққиёт асосини шакллантиришга ҳам эришилди».

Италиянинг Оснэ ва Ўрта Ер денгизи институти бош котиби, «Италия — Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби А. Локе ўз мулоҳазаларини шундай ифодалади: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ёрқин ва интилувчан сийosатчи ҳисобланади. Ушбу китоб эса унинг сийosий ва иқтисодий соҳалардаги қарашлари ҳамда тажрибасини намоён этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзага келган фақултомда жиддий вазиятларга ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.


Ислон Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий ва молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашуанин тобора ааж олаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳуқумати томонидан инқироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инқироз юзага келганда унинг салбий оқибатларини енгилаштириш борасида амалга оширилаётган чоралар билан ўз самарасини бераётганини аниқ ифодалаб беради.

(Давоми 2-бетда).

Экспорт учун имтиёзли кредитлар

2009 йилнинг биринчи чорагида республикаимизда экспорт қилувчи корхоналарга уларнинг айланма маблағини тўлдириш учун тижорат банклари томонидан 52 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар берилди.

Бунинг натижасида айрим корхоналарнинг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича вақтинчалик қийинчиликлар туфайли улларда ишлаб чиқариш тўхтаб қолишининг олди олинди.



ЖАҲОН 24 соат ичида

Олтмиш йилда илк зарар

Дунёдаги йирик автомобилсозлик корпорацияларидан бири — "Toyota Motor Corp." ҳисобот даврида катта миқдорда зарар кўргани маълум қилинди.

Тахлил натижаларига кўра, корхона ўтган бир йилни 4,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi зарар билан яқунлаган. Бу унинг фаолиятида сўнгги олтмиш йил ичида қўзғатилган илк йўқотишдир. АҚШ ва Европа бозорларида автомобилларга бўлган талабнинг кескин камайиб кетгани ҳамда хом ашё нархининг қимматлашгани бунга асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Жорий йилда ҳам



"Toyota" автоуловлари савдосида пасайиш кузатилиши тахмин қилиниб, у ўртача 1,06-6,5 миллион дона атрофида камайиши мумкинлиги айtilмоқда.

Самолёт

қолдиқлари топилди

Бразилиянинг Мато-Гроссо штатида бир ҳафта муҳаддам бедарак йўқолган самолётнинг қолдиқлари топилди.

Бу ҳақда "Associated Press" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Унча катта бўлмаган ушбу ҳаво лайнери бортидан уч қишнинг жасади топилган. Мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари унда гиёҳванд моддалар олиб кетилаётганини аниқлашди.

Черков ёнидаги хунрезлик

Миср пойтахти Қоҳира шаҳри шимоли-шарқида портлаш содир этилди, дея хабар тарқатди "Reuters" ахборот агентлиги.

Хунрезлик маъмур ҳудуддаги черковлардан бирининг яқинида амалга оширилган. Ўтказилган текширув натижасида шу атрофдан яна бир портлаш қолган бомба топилган.

Ҳозирча қурбон бўлганлар ва жабрланганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ушбу ҳаракатлар ортда ким тургани ва нима мақсадда амалга оширилгани ҳам мавҳумлигича қолмоқда.

Тошқин келтирган талафот

Хорижий ахборот агентликлари хабарига кўра, АҚШнинг Фарбий Виржиния штатида сув тошқинлари юз берган.



Табиий офат натижасида юзлаб бино зарар кўрган, электр таъминотида узилишлар юзга келган. Тошқин содир бўлган ҳудудларда кидирув-куткарув ишларини олиб бориш учун миллий гвардия кучлари жалб этилган. Штатнинг олти округида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Қуролли тўқнашув кузатилди

Колумбия жануби-ғарбида мамлакат ҳарбийлари ва "Колумбия инқилоб кучлари" жангарилари ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди.

Отишмалар чоғида етти нафар аскар ҳалок бўлди, дея маълум қилган маҳаллий "Саргасол" радиоси. Тўқнашув бир неча кун муқаддам уч нафар ҳарбий бедарак йўқолган Саманьего шахрида юз берган. Айтиб ўтиш керак,

"Колумбия инқилоб кучлари" жангарилар гуруҳи 1964 йилдан буён амалдаги тузумга қарши курашиб келади. Манбаларга қараганда, жиноий тўда гиёҳванд моддалар савдоси орқали даромад топади.

Нефть қазиб олиш қисқартирилади

Эроннинг "Press TV" телеканали тарқатган хабарга қараганда, Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) "қора олтин" қазиб олиш ҳажмини камайтиришни режалаштирмоқда.

Ташкилотнинг бундай йўл тутуши айна пайтга келиб нефть сакловчи давлатларда ушбу маҳсулот захира ҳажми кескин ошиб кетгани билан изоҳланмоқда. Бу ҳақда ОПЕКнинг Эрондаги вакили Мухаммад Али Хатиби айтиб ўтган.



28 май кунини мазкур ташкилотнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади ва унда ана шу масала ҳам кўриб чиқиши кутилмоқда. Баъзи манбаларга кўра, ташкилот аъзолари жорий йил сентябрь ойидан бошлаб нефть қазиб олиш ҳажмини кунига 4,2 миллион баррелга қисқартиришга келишиб олишган. Бу — дунё бўйича бир кеча-кундузда қазиб олинадиган "қора олтин"нинг беш фоизи, демек.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Дунёвий шўҳрат қозongan адабий даҳолар ва машҳур тарихий сиймоларнинг мерослари умумжаҳон мулкига айланади. Шу нуқтаи назардан, аждодимиз, шоҳ ва шоир Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди хусусида йирик тадқиқотлар қилган олимлар сафида япон олими Эйжи Манўнинг илмий хизматлари алоҳида ўрин тутади, десак, янглишмаган бўлаемиз.

Бу олим ўттиз йилга яқин умрини Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг "Вақоъ" ("Бобурнома") асарини ўрганишга бағишлади. У ўз илмий тадқиқотларининг натижаларини тўрт жилдлик китобда эълон қилди. Буларни "Бобурнома". Илмий матн, таржима ва тадқиқотлар тўплами" дейиш мумкин. Эйжи Манў "Бобурнома" устида йирик иш бошлаб, дастлаб Аннет Сюзен Бевериж хоним 1905 йилда Лондонда нашр этган "Бобурнома"нинг Хайдаробод шаҳридаги "Салларханг" музейида сақланаётган нусхаси фото-факсимил нашрини кўлга киритди. Шундан сўнг Эдинбург ва Лондон шаҳар-

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида номзодлар

ЯПОН ОЛИМИНИНГ БОБУРШУНОСЛИККА ҚЎШГАН УЛКАН ИЛМИЙ ҲИССАСИ

лари музейларидаги "Бобурнома"нинг яна икки туркий қўлёмасидан, 1856 йилда Н. Ильминский томонидан Қозон шаҳрида нашр этилган "Бобурнома"дан ҳам хабар топиб, нусха олди.

Қоридоғилардан ташқари, "Бобурнома"нинг форс тилига қилинган учта таржимасини топти.

Хуллас, олим туркий тилдаги "Бобурнома"нинг 4 та нусхасини ва 3 та форсий таржимани илмий матн тайёрлаш учун танлаб олди ҳамда "Бобурнома"нинг илмий-тарихий матнини яратди.

Араб ёзувидаги 610 саҳифалик тарихий матн жаҳон олимларида япон олими Эйжи Манў тақдим этган "Бобурнома" асарининг ҳозирча энг мукамал илмий нусхасидир. Матн тузуви олим унча ҳам "Бобурнома" илмий матнини тузишга, уни мукамаллаштиришга ҳисса қўшган ўзбек олимлари Порсо Шамсиев, Солиқ Мирзаев,

инглиз олимлари Уиллер Текстон, Аннет Сюзен Бевериж ва рус олими Николай Ильминскийнинг хизматларини муфассал қайд этган.

Эйжи Манўнинг тарихий матни 2002 йилда "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти орқали чоп этилган "Бобурнома"нинг янги нашрига асос қилиб олинди. Бугина эмас, 2008 йилда "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Бобурнома"нинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги таълиғига ҳам ана шу тарихий матн асос бўлиб хизмат қилди.

Эйжи Манўнинг иккинчи китоби — "Бобурнома". Шарҳлар. Қўрсаткичлар" (Шокадо, Киото-1996) деб аталади. Китоб 443 саҳифадан иборат бўлиб, муаллифининг ўзи "бу китоб аввалги нашр қилинган "Бобурнома" тарихий матнига ёзилган изоҳ ва шарҳ қўрсаткичларидан иборат" эканлигини айтиди. Чиндан ҳам, "Бобурнома"дек

қомусий асар ҳар томонлама шарҳ ва изоҳталаб адабий ёдгорликдир. Эски ўзбек тилининг луғат бойлигини тасаввур этишда, сўзларнинг луғавий маъносини билишда бу китобнинг мислсиз аҳамияти бор. Мазкур асар "Бобурнома" бўйича тузилажак янги мукамал луғатларга асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Маълумки, "Бобурнома" XV-XVI асрлардаги Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон ҳақида маълумот берувчи ноёб дурдона бўлиб, тарихий тадқиқотлар учун ҳам нодир манбадир. Шу боис

Эйжи Манўнинг тўртинчи китоби "Бобур ва унинг даври" (Шокадо, Киото-2001 йил) деб номланган. 591 саҳифалик ушбу тадқиқотда муаллиф Бобур яшаган XV-XVI асрлардаги Марказий Осиёнинг турли жihatларини филологик ва тарихий нуқтаи назардан ўрганишга ҳаракат қилган.

Япон олими Эйжи Манў юқорида қисқача тавсифланган тўрт китоби билан жаҳон бобуршунослигига жуда катта ҳисса қўшди.

иккинчи китобда туркумларга бўлиб шарҳланган киши, жой ва қабила-қавмлар номлари тарихий нуқтаи назардан муҳим. Аммо бундан ташқари, моддий-маънавий, маданий истилоҳлар XV-XVI асрлардаги Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон аҳолиси ҳаётини тадқиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Эйжи Манў томонидан "Бобурнома" япон тилига таржима қилинганига келсак, биз бунда икки жиҳатни қайд этаемиз. Жаҳонда "Бобурнома" ҳозир ўттизга яқин тилларга ўғрилган, уларнинг бир қисми таржимадан-таржима тарзида амалга оширилгани маълум.

Япон олимнинг ютуғи шундаки, унинг таржимаси аслиятдан, яъни эски ўзбек тилидан бевосита бажарилгандир. Иккинчи фазилати эса, мукамал матнга суянган ҳолда таржима қилингандир.

Сайдбек ҲАСАНОВ, Ваҳобжон РАҲМОНОВ.

Анжуман

Пойтахтдаги "Киночилар уйи"да Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида анжуман ўтказилди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Интеллектуал мулк муҳофазасига бағишланган мазкур тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари, кино мутасаддилари ҳамда журналистлар иштирок этдилар.

Анжуманда муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазаси борасида қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида сўз борди.

— Мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳимояси билан боғлиқ мукамал қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган, — дейди Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги бош бошқармаси вакили Иброҳим Омонбоев. — Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит ва имтиёзлар яратилди. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши, аудио-визуал махсулотларни сохта-лаштиришга йўл қўймаслик борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтказилган рейд тадбирлари натижасида муаллифлик асарларининг контрафакт нусхаларини кўпайтириш ва ноқонуний савдо билан боғлиқ қўлаб ҳолатларга чек қўйилди.

Анжуман иштирокчилари бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ВА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Манзил	Ишонч телефонлари
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй	(8-371) 244-07-24
Қорақалпоғистон Республикаси давлат архитектура-қурилиш назорати, 230100, Нукус шаҳри, «Гарезисизлик» кўчаси, 59-«А» уй	(8-361) 222-74-16
Андижон вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 170126, Андиджон шаҳри, «Мирпўстин» кўчаси, 3-уй	(8-374) 224-45-37
Бухоро вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 200100, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 5-уй	(8-365) 223-52-08
Жиззах вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй	(8-372) 226-04-61
Қашқадарё вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 180100, Қарши шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 2-уй	(8-375) 221-10-46
Навоий вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 210101, Навоий шаҳри, Г'восалия кўчаси, 2-«А» уй	(8-436) 225-24-39
Наманган вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 160108, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй	(8-369) 226-92-18
Самарқанд вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 140103, Самарқанд шаҳри, «Нарпай» кўчаси, 22-уй	(8-366) 234-17-54
Сирдарё вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 120100, Гулистон шаҳри, Мустанқиллик кўчаси, 60-уй	(8-367) 225-47-18
Сурхондарё вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 190108, Термиз шаҳри, А. Навоий кўчаси, 28-уй	(8-376) 227-46-25
Тошкент вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 100011, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй	(8-371) 241-40-25
Фарғона вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 150115, Фарғона шаҳри, Навоий кўчаси, 29-«А» уй	(8-373) 226-83-78
Хоразм вилояти давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 220100, Урганч шаҳри, ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй	(8-362) 226-95-94
Тошкент шаҳар давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 22-«А» уй	(8-371) 244-67-44

Ушбу манзиллар бўйича ҳар ойнинг 1-chorshanба кунини «Очиқ эшиклар кунини» ўтказилади.


«Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМЛИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАР
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари



Махсулот сертификатланган.
Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» маъзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шўҳрат» дўкони жойлашган чорраха.

ШПАТЛЁВКА

ОЛТИН СУВАҲИНИ

Қалбакисидан эҳтиёт бўлинг.

AzKO

Тел.: +(99897) 718-78-73.
Факс: +(99871) 277-96-38.

Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
Мўлжал — «Ўзбекфильм» к/с.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner

HYUNDAI

Tel. 250-11-11

Drive your way

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

тизим органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий компьютер ва оргтехника воситалари билан таъминлаш мақсадида компьютер техникаси (300 та компьютер ва 300 та принтер) харид қилиш бўйича очик тендер савдоси ўтказиш ва ушбу воситаларни улгуржи етказиб берувчи корхона ва ташкилотларни тендер савдосига таклиф қилади.

Тендер савдосида иштирок этиш истагини билдирган ташкилот (корхона, фирма ва бошқалардан 5 миллион сўм миқдорда заҳалат пули ҳамда тендерга оид ҳужжатларни олиш учун 200 000 (икки юз минг) сўм миқдоридagi маълумин вазирликнинг куйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари талаб қилинади: 202030001100114490001, АТИБ «Ипотекабанк»нинг «Яккасарой» филиали, банк коди: 01017, ИИН: 201190645, ОКОНХ: 97300.

Тендер савдосида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, жумладан, кичик бизнес корхоналари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Тендер комиссияси томонидан ҳужжат қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2009 йил 12 июнь кунини соат 16.00 гача.

Тендер савдоси 2009 йил 13 июнь кунини соат 15.00 да вазирлик биносида ўтказилади.

Қўшимча маълумотларни вазирликнинг куйидаги телефонлари орқали олиш мумкин: 239-42-51, 239-88-26, Факс: 239-41-12. Манзилими: Тошкент ш., 100100, Яккасарой тумани, А. Авлоний к., 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

Юртимизга ҳар куни жаҳоннинг турли мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюради...

Тарихдан маълумки, нақш ва хаттотлар ҳуққдорлар саройларида, айрим амалдорлар ҳузурда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаган. Бу санъат Марказий Осиёда темир...

лари дунёга келди. Ана шу даргоҳларда илм олган кўпгина шогирдлар бугунги кунда республикамизнинг турли бурчларида фаолият кўрсатмоқдалар.

ресторани деворларидаги хошиянақшлар, Урганч шаҳридаги "Интурист" меҳмонхонасининг фойе, вестибюлидаги, шунингдек, ай-Хоразм ва ал-Беруний мажмуалари гўмбазларига ҳамда деворларига

аҳамият касб этибгина қолмай, бугунги кунда жойларда бунёд қилинаётган бино ва иншоотларни, масжиди зиёратхоналарини безаш ва таъмирлашда ҳам асосийроқ.

Самарқандлик машҳур олим Ботурхон Валихўжаевни билмаганлар кам бўлса керак. У ўз умрини инсонларга маърифат улашиб ўтказди. Олим ўзига хос ижодий услубга эга эди. Бу — таъдиқот жаравида жуда кичик нукталарга, ўта етук мутахассис назарини илғай оладиган унсурларга эътибор бериш, уларга суяниб теран илмий мушоҳада юритиш ва масала моҳиятини санъаткорона бадиий иншо қилиш иқтидоридир.

НАҚШЛАРГА БИТИЛГАН ҲИҚМАТ

лар. Уларнинг орузи — Ўзбекистон деб аталмиш бу қадимий ўлкани, Шарқнинг Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Бухоро, Хива ва Шахрисабздақ дурдона шаҳарларини, тарихий обидаларни томоша қилиш, ҳайратланиш, завқ олиш, маънавий оламни бойитиш...

лар, шайбонийлар, аштархонийлар ва мангитлар сулолалари даврида юксак даражада тарққий этган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Мавлоно Шамсуддин Муншӣ, сангтарош ва хаттот Олтин жуда машҳур бўлишган. Темурий шаҳзодалар Иброҳим бин Шохруҳ, Бойсункур Мирзо, Бадиуззамон Мирзо ва бошқалар наққошу хаттотларга ҳомийлик қилиш билан бирга, ўзлари ҳам бу санъат тури билан шуғулланганлар.

Шуниси қувонарлики, мусулмон динида санъатнинг бу ноёб тури ҳам қадр топди. Наққош ва хаттотликнинг қадрига етдирилган мазкур санъат турига алоҳида меҳр ва эътибор билан муносабатда бўла бошладилар. Ушбу йўналишнинг Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Хива, Шахрисаб ва Андижон мактаблари яна қайта тикланди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, устоз-шогирд мактаб-

разм Маъмур академиясининг илмий ходими Муҳиддин Жалолов шундай ноёб касб соҳибларидан бири. У ўз фаолиятини "Усто" бирлашмасининг Хоразм бўлимида наққошлик вазифасидан бошлаган. Илк бор Кўқон Урганч меъморчилигининг наққошлик санъатини ўрганиш мақсадида забардаст кулол Эшмурод Сафоев билан танишиб, унинг устaxonасида шогирд бўлиб ишлади. Ундан кулоллик сир-асрорларини ва наққошлик санъатини ўрганди.

Боқий мерос

Пухта эгалланган билим ва таъриба Муҳиддин Жалолов яратган бадиий асарларда, қирқдан зиёд маданий-маъмурий биналарда, маданият саройларида, масжид ва зиёратхоналарда бажарилган наққошлик, кошнпазлик, ганж уймакорлиги ва хаттотликка оид безаш ишларида ўз ифодасини топди. Айниқса, Москва шаҳридаги "Ўзбекистон"

ишланган наққошлик ишлари эскизлари, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги Султон Увайс зиёратхонасидаги масжид, меҳмонхона, айвонлардаги ганжкорлик, наққошлик, кошнпазлик бадиий безаклари эскизлари ҳайратланарли даражада маҳорат билан яратилганлигини қайд этиш жоиз.

Унинг энг асосий ютуқларидан бири йўқолиб кетган Хоразм наққошлик санъатини қайтадан тиклаганидир. Бу эса қадимий Хива шаҳридаги бир қанча тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида муҳим

Наққош ва хаттот Муҳиддин Жалоловнинг ишларини кузатар эканмиз, асрий қадриятларимиз завол топмаслигига, халқимизнинг боқий мероси қадру эъзозга лойиқ эканлигига яна бир қарра амин бўламиз. Зеро, истиқлол йилларидаги ислохотлар, Юртбошимизнинг мазкур соҳа ривожига қаратаётган эътибори бунинг мустаҳкам қароватидир.

Болабой БЕКМАТОВ,
Шовот тумани

МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

Шу тариқа тарихий жойлар, обидалар ёки машҳур шахслар ҳаётига оидми, замонавий адабиётшунослиқдаги муаммо бўлиб турган масалалардан бирига тегишлими — олиб борилаётган таъдиқотда мавзунинг кўз илғамас қирралари кашф этилади. Олимнинг илмий изланишларидаги талабчанлигининг ҳам ўзига хос жиҳати бор экани, бир кичик мақола ёки илмий ахборот бўлсин, унлаб манбаларга суяниб, тарихий асарларга мурожаат қилиш эъзига юзага келарди.

эътиборини жалб этган бу жиҳат ўз таҳлилини топади. Бундан ташқари, шoirнинг Самарқандда олган сабақлари, айнан шу даврда "Сабаъул абхур" номли араб тили изоҳли луғатини тузгани, Самарқанд урфон аҳли билан танишганлиги ҳамда унинг Самарқандда битилган газаллари ҳақида янги маълумотлар берилди. Жомий ва Навоий муносабатлари; бу икки буюк мутафаккир ижодий ҳамкорлигининг ибтидоси ҳақида ҳам ўша мақолада янги бир фикр келтирилди, яъни ушбу ибратомуз ҳамкорлик, дўстликнинг айнан Самарқанд сафаридан бошланганлиги эҳтимолига ишора қилинади.

Соғинч



Олим доно сўзларига мунтазаир бўлган толиби илмларга фақат тариху адабиёт, бадиий илмидангина эмас, одабийликдан ҳам сабақ бериб кетди. Устоднинг андан табасум билан "Келинг, биродари азиз..." деган латиф тақалумлари, энгизликдан дарак берувчи нигоҳи, нури чехраси бугун ҳар бир шогирди, дўсту биродари, яқинлари хотирасидан абадий жой олган. У кишининг ҳаёт ва фаолият йўли бизни мудом ибратга қорлайверади.

Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари доктори, профессор.

Табиики, сайёҳларга бу нақшдан безаклардаги битиклар маъносини тушунарсиз. Аммо, афсуски, ҳали ўзини ҳам араб имлосида битилган ушбу битикларнинг маъносини, умуман, наққошлик ва хаттотлик санъати ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Ҳолбуки, ушбу санъат тури ҳақида муайян маълумотга эга бўлиш ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод учун аҳамиятлидир.

тақиллик йилларида санъатнинг бу ноёб тури ҳам қадр топди. Наққош ва хаттотликнинг қадрига етдирилган мазкур санъат турига алоҳида меҳр ва эътибор билан муносабатда бўла бошладилар. Ушбу йўналишнинг Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Хива, Шахрисаб ва Андижон мактаблари яна қайта тикланди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, устоз-шогирд мактаб-

Бугун ҳеч бир соҳа тараққийини компьютер технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, мамлакатимизда кутубхона тизимининг компьютерлаштирилиши юртдошларимизнинг керакли адабиётлар билан танишиши, қулай ва тезкор ахборот олиш борасидаги имкониятларини янада кенгайтирди.

ЁШЛАР КОМПЬЮТЕРДА КИТОБ ЎҚИЙДИ

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини кутубхона-ахборот билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш имкониятини берди. Натijaда зиё масканлари янги нашр этилган адабиётлар билан бойитилишидан ташқари, соҳага замонавий технологияларнинг жадал кириб бориши, хусусан, компьютер ёрдамида адабиётларнинг электрон нусхаларини яратиш, масофадан туриб ўқитиш сингари тезкор фаолият турлари жорий этилди.

орқали марказ 212 нусхада маъруза матнлари, бошқа ўқув қўлланмалари билан бойитилди. Бу, энг аввало, мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларига машғулотлар давомида олган билимларини мустаҳкамлашда қўл келаяпти.

Кувонарли жиҳати, тизимда жорий этилган бундай янгиликлар натижаида ахборот-кутубхона маркази замонавий ахборот технологияларининг сир-асрорини ўргатувчи масканга айланиб бораёпти. Бу ерда ташкил этилган "Компьютер оламига дастлабки қадам" ўқув курси машғулотларида ёш китобхонлар ЭХМда ишлай, Интернет орқали ахборот олиш, алоқа ва бошқа амалларни бажариш кўникмаларига эга бўлиб боришмоқда.

Ислохот

Марказимизнинг китоб фондига 500 минг нусхадан зиёд адабиёт мавжуд, — дейди марказ директори Мавлуда Жўрабоева. — Шунингдек, ахборот технологиялари бўлими, маънавий-маърифий ишлар тармоғи фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Мавжуд тизимнинг компьютерлаштирилиши китобхонлар бюрут-масини тезкорлик билан бажариш имкониятини бермоқда. Яъни махсус электрон дастур орқали 40 мингга яқин номдаги адабиётлар орасидан ўқувчига зарур бўлган китоб бир зумда топиб берилади. Хуллас, марказдаги иш жараёнини автоматлаштириш ва бу ерда электрон тизим жорий этилиши ўз самарасини бермоқда. Натijaда марказ ўқув зали ва бўлимларида 31 та компьютер жамланмаси, жумладан, принтер, нуска олиш аппарати, видеопроекторлар ўрнатилди. Шунингдек, "ZiyoNET" тармоғи

Кувонарли жиҳати, тизимда жорий этилган бундай янгиликлар натижаида ахборот-кутубхона маркази замонавий ахборот технологияларининг сир-асрорини ўргатувчи масканга айланиб бораёпти. Бу ерда ташкил этилган "Компьютер оламига дастлабки қадам" ўқув курси машғулотларида ёш китобхонлар ЭХМда ишлай, Интернет орқали ахборот олиш, алоқа ва бошқа амалларни бажариш кўникмаларига эга бўлиб боришмоқда.

Чемпионат пешкадами "Бунёдкор" ўз майдонида "Бухоро" жамоасини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида йирик ғалабага эришди. Миллий чемпионатда ҳам, Осиё чемпионлар лигасида ҳам мазмунли ўйин намойиши этаётган "Пахтакор" эса сафарда "Қизилқум"га қарши майдонга тушиб, рақиб дарвозасини 5 марта баъзи аниқ нишонга олишга эришди. ОФК

Қудратилло НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли қулайликдан мамнун

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона вилояти филиали туманлар марказларидан олисда жойлашган қишлоқлар аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида 2 та кўча алоқа бўлими ташкил этди.

Айни пайтда вилоятдаги 20 та қишлоққа белгиланган жадвал асосида почта хизматлари кўрсатишмоқда. Шунингдек, аҳолига даврий нашрлар ўз вақтида етказиб берилаётир.

Эндиликда чекка қишлоқлар аҳолиси коммунал тўловларни тўлаш ёки нафақаларини олиш учун туман марказларига қатнаб, овора бўлиб юрмайди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИШЛОҚДА МУҲТАШАМ ЎҚУВ МАСКАНИ



Таълим

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Майманок қишлоғида жойлашган маърифат касб-хунар коллежида 1100 нафар илмга чанқоқ йигит-қиз ўқиб билим олаётир. Бу ердаги таърибли ўқитувчилар ёшларга тикучилик, металл ишлов бериш, бухгалтерия иши, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, газ таъминоти тизими жиҳозларини монтаж қилиш ва таъмирлаш каби йўналишларда касб-хунар сирларини ўргатишмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ,
(ЎзА) олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

Битта олтин, иккита кумуш

6-10 май кунлари Чехияда байдарка ва канозда эшакка эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг биринчи босқичида Ўзбекистон терма жамоаси битта олтин ва иккита кумуш медали соҳиб бўлди.

Канозда эшакка эшиш бўйича Пекин Олимпикдаёси ишгоржис, Осиё чемпиони Вадим Менюков (каноз, яқкалик) 500 метр масофага бўлган Беллашувда олтин медал эгасига айланди. Айни пайтда у

Кочнев ва Мерей Медетов кватрети иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин Беларусь, учинчи ўрин эса Польша спортчиларига nasib этди.

Жаҳон кубогининг иккинчи босқичига шу йилнинг 22-24 май кунлари Польшанинг Познань шаҳри мезбонлик қилади.

Қизгин баҳслар, кутилмаган натижалар

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасида тўққизинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди.

Чемпионат пешкадами "Бунёдкор" ўз майдонида "Бухоро" жамоасини қабул қилиб, 4:0 ҳисобида йирик ғалабага эришди. Миллий чемпионатда ҳам, Осиё чемпионлар лигасида ҳам мазмунли ўйин намойиши этаётган "Пахтакор" эса сафарда "Қизилқум"га қарши майдонга тушиб, рақиб дарвозасини 5 марта баъзи аниқ нишонга олишга эришди. ОФК

кубогида юртимиз шарофини ҳимоя қилаётган "Нефчи" Фарғонада "Андижон" клубини 2:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Металлург" — "Локомотив" 1:1, "Сўғдиёна" — "Навбахор" 1:0, "Динамо" — "Насаф" 0:0, "Машъал" — "Шўртан" 1:2, "Хоразм" — "Олмалик" 1:1.

Дзюдочимиз бронза медали совриндори

Тунисда дзюдо бўйича Гран-при мусобақасининг натижасидаги босқичи якунланди.

Аҳамиятлиси, унда ҳамюртимиз Гамбит Есимбетов 60 килограмм вазн-гача бўлган дзюдочилар орасида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди.

Ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам ўз вазн тоифасида бронза медалини кўлга киритган эди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Ўйинлар тақвими маълум

Унга кўра, Роберт Гай шогирдлари иккинчи саралаш босқичини 4 июль кuni мезбонлар — Таиланд терма жамоасига қарши ўйин билан бошлайдилар. Орадан икки кун ўтгач, 6 июлда ўзбекистонлик кизлар Эрон термасини синовдан ўтказишади. Ушбу учрашув ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Агар Гай жамоаси ҳар иккала баҳсда голибликни кўлга киритса, 8 июль кuni ўтказиладиган Эрон — Таиланд терма жамоалари баҳсидаги натижа вакилларимиз учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

ОБ-ҲАВО (12 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Respublika telebadiomarkazi" давлат унитар корхонаси жамоаси техника назорати бўлими бошлиғи	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси соҳиб раҳбари, институт фахрийси
Шоира Мухаммадвалиева НАСИМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изхор этади.	Мавжуда НИЗОМОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чукўр таъзия изхор этади.
Тошкент кимё-технология институти жамоаси Консервантланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси доценти, техника фанлари номзоли Қўқор Долевага онаси	"Соғлом авлод учун" халқро ҳайрия жамағармаси ҳамда "Соғлом авлод" газетаси жамоалари жамағарма директори Нозимжон Муминовга волидаси
ОРТИҚОЙ аялиг вафоти муносабати билан чукўр таъзия изхор қилади.	УЛФАТХОН аялиг вафоти муносабати билан чукўр ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ: 233-70-33. САЙТ: WWW.POST.UZ. ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 00.20
• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ф. Бўтаев.
Мусаххач — Ш. Машраббеов.